АҚШ ТАШҚИ СИЁСАТИДА ЛОББИЗМ ИНСТИТУТИ ВА “AMERICA FIRST” СТРАТЕГИЯСИНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Худойқулова Маржона Тураевна
Қудратова Озодахон Комил қизи
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
“Халқаро муносабатлар ва замонавий сиёсий жараёнлар”
мутахассислиги магистрантлари
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20268813

Аннотация: Ушбу мақолада Доналд Трамп маъмурияти даврида шаклланган “America First” стратегияси ва АҚШ ташқи сиёсатидаги лоббизм институти ўртасидаги таъсир таҳлил қилинади. Тадқиқотда реализм, неореализм, либерализм, плюрализм ва элитар назариялар асосида “America First” доктринасининг назарий жиҳатлари ўрганилади. АҚШ ташқи сиёсатининг шаклланишида этник лоббилар, ҳарбий-саноат комплекси ва трансмиллий корпорациялар таъсири қиёсий таҳлил қилинади. Трамп маъмуриятининг Қуддусни Исроил пойтахти сифатида тан олиши, Эрон ядровий келишувидан чиқиши, Хитой билан савдо уруши ва Саудия Арабистони билан қурол шартномалари каби қарорлари лоббистик босим ва миллий манфаатлар ўртасидаги боғлиқлик юзасидан баҳоланди.

Калит сўзлар: лоббизм, Доналд Трамп, “America First” стратегияси, АҚШ ташқи сиёсати, Lobbying Disclosure Act, плюрализм ва элитизм назариялари, неомеркалтилизм, миллий манфаатлар.

КИРИШ: XXI аср халқаро муносабатлар тизимида ташқи сиёсатнинг миллий манфаатлар, геосиёсий рақобат ва ички сиёсий институтлар билан боғлиқлиги тобора кучайиб бормоқда. Доналд Трамп биринчи маъмурияти даврида илгари сурилган “America First” (“Америка биринчи”) стратегияси АҚШ ташқи сиёсатининг мазмуни ва йўналишида жиддий ўзгаришларни юзага келтирди. Ушбу концепция глобаллашув, либерал интернационализм ва кўп томонлама ҳамкорлик тамойилларига нисбатан танқидий ёндашувни ифода этиб, миллий манфаат, иқтисодий протекционизм ва стратегик автономияни устувор деб эълон қилди. Натижада АҚШнинг НАТО, Жаҳон савдо ташкилоти, Париж иқлим келишуви ва Эрон ядровий битими каби халқаро институт ва келишувларга муносабати қайта кўриб чиқилди. Мазкур мавзунинг долзарблиги шундаки, “America First” стратегияси нафақат АҚШ ташқи сиёсатининг амалий йўналишларини, балки замонавий халқаро муносабатлар назарияларининг амалий ифодасини ҳам намоён қилди. Ташқи сиёсий қарорларни шакллантиришда лоббизм институтининг таъсири янада очиқ кўрина бошлади. Этник лоббилар, ҳарбий-саноат комплекси ва трансмиллий корпорацияларнинг ташқи сиёсатга таъсири Яқин Шарқ, Хитой ва Россияга нисбатан қабул қилинган қарорларда яққол намоён бўлди.

МЕТОДЛАР: Ушбу мақолада сиёсий таҳлилнинг қиёсий, тарихий ва институционал усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида “America First” стратегиясининг шаклланиши ва унинг АҚШ ташқи сиёсатига таъсири реализм, неореализм, либерализм ҳамда элитар ва плюралистик назариялар асосида таҳлил қилинди. Лоббизм институтининг ташқи сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнидаги ўрни қиёсий ёндашув орқали ўрганилди. Манба сифатида АҚШ давлат ҳужжатлари, Конгресс материаллари, халқаро ташкилотлар ҳисоботлари, илмий адабиётлар ва аналитик марказлар маълумотларидан фойдаланилди. Тадқиқотда контент-таҳлил ва сиёсий дискурс таҳлили усуллари қўлланилиб, Трамп маъмуриятининг ташқи сиёсий қарорлари ҳамда уларнинг лоббистик омиллар билан боғлиқлиги илмий жиҳатдан баҳоланди.

МУҲОКАМА: “America First” доктринасининг назарий негизи реализм ва неореализм концепцияларига таянади. Неореализм намояндалари ҳисобланган Жон Миршаймер ва Кеннет Уолц фикрича, халқаро тизим анархик хусусиятга эга бўлиб, давлатлар ўз миллий манфаатлари

миллий хавфсизлик, иқтисодий устунлик ва ҳарбий кучни муҳофаза қилиш учун доимий рақобат шароитида ҳаракат қилади[1]. Доналд Трамп маъмуриятининг ташқи сиёсати “self-help” тамойилига асосланган бўлиб, АҚШнинг глобал позицияларини мустақил тарзда мустаҳкамлашга қаратилди. Хитой ва Россия билан савдо дефицитини қисқартириш, Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО) аъзоларидан мудофаа харажатларини оширишни талаб қилиш ҳамда Париж иқлим келишувидан чиқиш орқали Вашингтон “кучлар мувозанати”ни қайта тиклашга интилади. Неореализм назариясида миллий манфаат ва қудрат мувозанати марказий категориялар сифатида қаралади; давлат ташқи таҳдидларга қарши туриш учун ўз ресурсларини самарали сафарбар қилиши ва ташқи ёрдамга эмас, балки ички имкониятларга таяниши лозим[2].

Бироқ либерал назария нуқтаи назаридан мазкур стратегия кескин танқид қилинди. Либерализм ва неолиберал институционализм вакиллари бўлган Роберт Кеохейн ва Жозеф Най халқаро институтлар ҳамда мултилатерализмнинг аҳамиятини алоҳида қайд этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Савдо Ташкилоти ва НАТО каби институтлар давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашда механизм вазифасини бажаради. “America First” сиёсати эса айнан шу институтларнинг нуфузини заифлаштирди: Жаҳон Савдо Ташкилотининг арбитраж механизмларини блоклаш, Транс-Тинч океани ҳамкорлиги шартномасидан чиқиш ва Европа Иттифоқи билан савдо қарама-қаршиликларининг кучайиши мултилатерализм инқирозини юзага келтирди[3]. Бундай ёндашув АҚШнинг “soft power” имкониятларини қисқартириб, унинг глобал лидерлик мавқеига салбий таъсир кўрсатади. “America First” стратегияси реализмнинг кучга асосланган мантиғини ифода этган бўлса-да, либерал назария унинг узоқ муддатли оқибати сифатида халқаро ҳамкорлик тизимининг емирилишини кўрсатади.

Лоббизм феномени ҳам АҚШ ташқи сиёсатини таҳлил қилишда муҳим назарий масала ҳисобланади. Бу жараённи плюралистик ва элитар назариялар асосида қиёсий таҳлил қилиш мумкин. Плюралистик ёндашув вакили Роберт Даль фикрича, лоббизм турли манфаат гуруҳлари ўртасидаги рақобат орқали сиёсий қарорларнинг мувозанатли қабул қилинишига хизмат қилади[4]. Корпорациялар, нодавлат ташкилотлар ва этник лоббилар ўртасидаги рақобат демократик жараённинг ажралмас қисми сифатида баҳоланади. “America First” сиёсати доирасида АҚШнинг савдо лоббилари, фермерлар ва экспортёрлар Хитойга қарши тариф сиёсатини қўллаб-қувватлади ва бу миллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида талқин қилинди.

Бироқ элитар назария тарафдорлари бу жараёнга бошқача ёндашади. Чарльз Райт Миллс ва Г. Уильям Домхофф фикрича, ташқи сиёсат амалда тор доирадаги элиталар бўлмиш корпоратив раҳбарлар, ҳарбий-саноат комплекси ва кучли лобби гуруҳлари манфаатларига хизмат қилади[5]. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, плюралистик назария формал демократик институтлар Конгресс эшитувлари ва сиёсий ҳаракат қўмиталари механизмларини кўрсатса, элитар ёндашув реал кучнинг муайян марказларда жамланганлигини очиб беради. Америка–Исроил жамоатчилик қўмитаси (AIPAC) ва нефть лоббисининг таъсири ташқи сиёсий қарорларда яққол намоён бўлади. Трамп маъмурияти даврида Super PAC орқали 1.4 миллиард долларлик молиявий ресурсларнинг сиёсий жараёнларга йўналтирилиши[6] элитар назариянинг амалий асосга эга эканини кўрсатди. Шу жиҳатдан лоббизм демократик тизимнинг плюралистик шакли ортида элитар манфаатларни яширувчи механизм сифатида намоён бўлди.

Трамп президентлигининг биринчи даври ташқи сиёсати яна бир хусусият бу ички зиддиятлар билан тавсифланади. Бир томондан “America First” стратегияси миллий манфаатларни

[1] Taliaferro, J. W. (2000). Security Seeking under Anarchy: Defensive Realism Revisited. International Security, 25(3), 128–161.
[2] Parent, J. M., & Rosato, S. (2015). Balancing in Neorealism. International Security, 40(2), 51–86.
[3] Tonelson, A. (2018). America First at Home and Abroad. The National Interest, (156), 22–35.
[4] McFarland, A. S. (1987). Interest Groups and Theories of Power in America. British Journal of Political Science, 17(2), 129–147.
[5] Gillam, R. (1975). C. Wright Mills and the Politics of Truth: The Power Elite Revisited. American Quarterly, 27(4), 461–479.
[6] Robert Maguire. (2016). $1.4 billion and counting in spending by super PACs, dark money groups https://www.opensecrets.org/news/2016/11/1-4-billion-and-counting-in-spending-by-super-pacs-dark-money-groups/

ҳимоя қилишга қаратилди. АҚШ–Хитой савдо келишувлари, Мексика билан чегара девори қурилиши ва нефть экспорт салоҳиятини ошириш иқтисодий мустақилликни кучайтириш воситаси сифатида баҳоланди. Иккинчи томондан эса мазкур сиёсат АҚШнинг халқаро лидерлик позицияларига салбий таъсир кўрсатди. НАТО саммитларида мудофаа харажатлари юзасидан билдирилган кескин танқидлар иттифоқчилар билан ишонч инқирозини келтириб чиқарди. Германия ва Франция АҚШнинг анъанавий иттифоқчилик сиёсатига нисбатан эҳтиёткор муносабат билдиришни бошлади. Давлат департаментида профессионал дипломатлар ўрнини сиёсий жиҳатдан лоял кадрларнинг эгаллаши ташқи сиёсатда институционал узилишларни келтириб чиқарди. Натижада миллий манфаатларни ҳимоя қилиш сиёсати глобал легитимликнинг пасайиши ҳисобига амалга оширилди.

Яқин Шарқ сиёсати "America First" стратегиясида лоббистик таъсирнинг энг ёркин намунаси сифатида намоён бўлди. Америка–Исроил жамоатчилик қўмитасининг Конгрессга таъсири юқори даражада бўлиб, ташкилот ҳар йили бир неча миллион долларлик лобби фаолиятини амалга ошириб келади (биргина 2018-йилда бу кўрсаткич 3.5 млн доллар[7], 2021-йилда 2.7 млн доллар бўлган[8]). Трамп маъмуриятининг Қуддусни Исроил пойтахти сифатида тан олиши, Голан тепаликлари устидан Исроил суверенитетини маъқуллаши ҳамда Иброҳим келишувларини қўллаб-қувватлаши айнан шу таъсирнинг сиёсий ифодаси сифатида баҳоланади. Расмий дискурсда бу қарорлар "демократияни ҳимоя қилиш" билан изоҳланган бўлса-да, амалда улар Исроил лоббисининг стратегик манфаатларига мос келган.

НАТИЖАЛАР: "Америка биринчи" концепцияси XX асрнинг 1930-йилларида АҚШ сиёсий ҳаётида шакллана бошлаган бўлиб, у аввало изоляционист ташқи сиёсат ғояси билан боғлиқ эди. 1940-йили ташкил этилган Америка биринчи қўмитаси АҚШнинг Европа можароларига аралашмаслигини талаб қилди ва мамлакат миллий манфаатларини ташқи урушлардан устун қўйиш ғоясини илгари сурди[9]. Қўмита етакчиларидан бири Чарлз Линдберг АҚШнинг Британия ва Францияга ёрдам бериши мамлакат ресурсларини беҳуда сарфлаш ҳамда давлатни урушга тортишини таъкидлаган[10]. Бу ёндашув Монро доктринаси билан боғлиқ бўлиб, унда АҚШнинг Ғарб яримшарида устувор позицияни сақлаши, бироқ Европа ишларига аралашмаслиги асосий тамойил сифатида белгиланган эди. Шу тариқа "Америка биринчи" концепцияси Перл-Ҳарбор ҳужумига қадар АҚШ ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ ташқи сиёсатида глобализм ва либерал интернационализм устунлик қилди. НАТО, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Маршалл режаси каби институтлар орқали Вашингтон халқаро тартибни шакллантириш ҳамда ўз гегемониясини мустаҳкамлашга интилди. Бироқ 2016-йили Доналд Трампнинг президентлик сайлови кампаниясида "Америка биринчи" концепцияси яна марказий сиёсий шиор сифатида тикланди[11]. У мазкур ғояни "Американи яна буюк қиламиз" (MAGA) ҳаракати билан боғлаб, ташқи сиёсатда глобаллашувдан воз кечиш ва миллий манфаатларни биринчи ўринга қўйишни асосий мақсад сифатида белгилади.

Трамп маъмурияти даврида "Америка биринчи" сиёсати бир қатор амалий қарорларда ўз ифодасини топди. НАТО давлатларидан мудофаа харажатларини ошириш талаб қилинди, Париж иқлим келишувидан чиқилди, Транс-Тинч океани ҳамкорлиги келишуви бекор қилинди ва Жаҳон савдо ташкилоти доирасида АҚШ миллий манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсати кучайтирилди.

---

[7] ARMIN ROSEN. (2019). How Influential Is AIPAC? Less Than Beer Sellers, Public Accountants, and Toyota https://www.tabletmag.com/sections/news/articles/how-influential-is-aipac

[8] Client Profile: American Israel Public Affairs https://www.opensecrets.org/federal-lobbying/clients/summary?cycle=2021&id=D000046963

[9] Bacevich, A. J. (2017). Saving "America First" What Responsible Nationalism Looks Like. Foreign Affairs, 96(5), 57–67.

[10] Greg Myre. (2017). 'America First': From Charles Lindbergh To President Trump https://www.npr.org/sections/parallels/2017/02/06/513240634/america-first-from-charles-lindbergh-to-president-trump

[11] Ettinger, A. (2018). Trump's National Security Strategy: "America First" meets the establishment. International Journal, 73(3), 474–483.

Хитойга қарши тарифлар жорий қилиниши иқтисодий миллийчилик ва неомеркантилист ёндашувнинг ёрқин намунаси бўлди. Миграция сиёсатида эса Мексика билан чегара девори қурилиши ва айрим мусулмон давлатлари фуқароларига нисбатан чекловлар киритилиши миллий хавфсизликни устувор деб баҳоловчи сиёсат сифатида намоён бўлди[12].

Бироқ "Америка биринчи" стратегиясини АҚШ ички сиёсий тизимидаги лоббизм институтисиз тушуниш мумкин эмас. Лоббизм АҚШда манфаатлар гуруҳлари ва босим гуруҳлари орқали сиёсий қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиш механизми сифатида институционаллашган. 1995-йили қабул қилинган "Лоббизмни ошкор қилиш тўғрисидаги қонун[13]" ва 1938-йили қабул қилинган "Хорижий агентларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун[14]" лоббистик фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган. Сиёсий ҳаракат қўмиталари ва Super PAC тизими орқали сайлов кампанияларини молиялаштириш сиёсий таъсирнинг муҳим воситасига айланган.

Этник лоббилар орасида Исроил лоббиси, хусусан Америка–Исроил жамоатчилик ишлари қўмитаси (AIPAC) энг таъсирли тузилмалардан бири ҳисобланади. 2017-йил декабрда Трампнинг Қуддусни Исроил пойтахти сифатида тан олиши ва АҚШ элчихонасини Тел-Авивдан Қуддусга кўчириши[15] айнан шу лоббининг таъсири билан изоҳланади. Трамп маъмуриятининг Эронга нисбатан "максимал босим" стратегияси Эроннинг минтақавий таъсирини чеклаш ва Исроил хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган эди. 2018-йилда Ядровий келишувдан чиқиш ва Қосим Сулаймонийнинг ўлдирилиши "максимал босим" стратегиясининг асосий элементлари бўлди[16]. Бу қарорлар Исроил ва Саудия Арабистони манфаатларига мос келар эди, чунки Эрон мазкур давлатларнинг минтақавий рақиби ҳисобланади. Саудия Арабистони билан стратегик ҳамкорлик нефть ва қурол савдоси билан боғлиқ иқтисодий манфаатларни ҳам намоён қилди. 2017-йилда 110 миллиард долларлик қурол шартномасининг имзоланиши ва Жамол Қошиқчининг ўлдирилишига қарамай санкцияларнинг қўлланилмаслиги[17] миллий манфаат, корпоратив фойда ва лоббистик таъсир ўзаро боғланиб кетганини кўрсатди. Бу ҳолат ташқи сиёсат қарорларида давлат хавфсизлиги, иқтисодий манфаат ва хусусий элита таъсири ўртасидаги мураккаб боғлиқликни яққол ифодалайди.

2020-йили имзоланган Иброҳим келишувлари ҳам "Америка биринчи" стратегиясининг қисмларидан бўлди. Исроил билан Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн, Судан ва Марокаш ўртасида дипломатик муносабатларни нормаллаштириш орқали АҚШ Яқин Шарқда янги геосиёсий мувозанат яратишга интилди[18]. Расмий жиҳатдан бу келишувлар тинчлик сиёсати сифатида тақдим этилган бўлса-да, амалда улар Исроилнинг минтақавий позицияларини мустаҳкамлади ва Эронни сиёсий жиҳатдан яккалаб қўйишга хизмат қилди.

Турк ва арман лоббилари ҳам АҚШнинг Сурия ва Кавказ сиёсатига муайян таъсир кўрсатди. Америка Арман миллий қўмитаси арман геноцидини тан олиш ва Озарбайжонга ёрдамни чеклаш учун фаол ҳаракат қилди[19]. Куба-америкалик миллий жамғармаси Кубага қарши қатъий

---

[12] Menendez, B. (2020, October 21). The cost of Trump's foreign policy: Damage and consequences for U.S. and global security. United States Senate Committee on Foreign Relations.

[13] Lobbying Disclosure Act of 1995 https://lobbyingdisclosure.house.gov/lda.html

[14] Zeller, B. (1948). American Government and Politics: The Federal Regulation of Lobbying Act. The American Political Science Review, 42(2), 239–271.

[15] President Donald J. Trump Keeps His Promise To Open U.S. Embassy In Jerusalem, Israel https://trumpwhitehouse.archives.gov/briefings-statements/president-donald-j-trump-keeps-promise-open-u-s-embassy-jerusalem-israel/

[16] Geranmayeh, E. (2020). REVIVING THE REVOLUTIONARIES: HOW TRUMP'S MAXIMUM PRESSURE IS SHIFTING IRAN'S DOMESTIC POLITICS. European Council on Foreign Relations.

[17] Levin, B. (2018, October 15). Trump's not gonna let a little murder get in the way of his $110 billion arms deal. Vanity Fair https://www.vanityfair.com/news/2018/10/trumps-not-gonna-let-a-little-murder-get-in-the-way-of-his-dollar110-billion-arms-deal?srsltid=AfmBOor7hV-QXstCZ_MOeFL6U4r6PaFQPPBuCB2Te3FP_leX2w6-Ad98

[18] Middle East Institute. (2025). Abraham Accords: BACKGROUNDER. Middle East Institute.

[19] ANCA: White House-Backed Deal Rewards Azerbaijan's Genocide, Undermines Armenia's Sovereignty (August 7, 2025). https://anca.org/press-release/anca-white-house-backed-deal-rewards-azerbaijans-genocide-undermines-armenias-sovereignty/

санкциялар сиёсатини сақлаб қолишга ҳаракат қилди[20]. Бу ҳолат АҚШ ташқи сиёсатида турли этник манфаатлар рақобати мавжудлигини кўрсатади.

“Америка биринчи” стратегиясида ҳарбий-саноат комплексининг ҳам ўрни мавжуд. Дуайт Эйзенхауэр 1961-йилиёқ ҳарбий ва саноат кучларининг давлат сиёсатига ҳаддан ташқари таъсир кўрсатиши хавфи ҳақида огоҳлантирган эди[21]. Трамп маъмурияти даврида мудофаа бюджети оширилди ва “Lockheed Martin”, “Raytheon (RTX)” ҳамда “Boeing” каби йирик мудофаа корпорациялари катта фойда кўрди[22]. Лоббизм орқали молиявий таъсир кучайиб, 2018-йилнинг ўзида ҳарбий компаниялар лобби фаолияти учун 100 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфлади[23]. Бу жараён давлат манфаати ва хусусий корпоратив манфаатлар ўртасидаги зиддиятни янада очиқроқ намоён қилди. Миллий хавфсизлик шиори остида қурол экспортининг ўсиши қисқа муддатли иқтисодий фойда келтирган бўлса-да, узоқ муддатда глобал беқарорлик хавфини кучайтирди. Мазкур ҳолат ташқи сиёсатда тор доирадаги корпоратив элитанинг устунлигини англатади. Саудия Арабистони билан имзоланган йирик қурол шартномалари АҚШ иқтисодиёти ва иш ўринлари билан изоҳланган бўлса-да, улар Яман уруши каби можароларда қўлланилган қуролларни етказиб бериш билан ҳам боғлиқ эди.

Иқтисодий лоббилар ҳам “Америка биринчи” сиёсатининг қисмига айланди. Нефть-газ корпорациялари “энергетик устунлик” сиёсатини қўллаб-қувватлади. Эрон ва Венесуэлага қарши санкциялар АҚШ нефть экспортини оширишга хизмат қилди. Хитой билан савдо уруши эса интеллектуал мулк ўғирланиши ва савдо номутаносиблигини камайтиришга қаратилган бўлса-да, технологик компаниялар ва фермерлар учун иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлди[24]. Бу эса иқтисодий миллийчилик ва корпоратив манфаатлар ўртасидаги зиддиятни намоён қилди.

ХУЛОСА: Умуман олганда, “Америка биринчи” стратегияси миллий манфаатларни устувор деб эълон қилган бўлса-да, амалда этник лоббилар, ҳарбий-саноат комплекси ва трансмиллий корпорациялар таъсири кучли бўлди. Қуддуснинг Исроил пойтахти сифатида тан олиниши, Эрон ядровий келишувидан чиқиш, Иброҳим келишувлари, Саудия Арабистони билан қурол шартномалари ва Хитой билан савдо уруши каби қарорлар лоббистик босим билан боғлиқ ҳолда шаклланди. Натижада стратегия айрим миллий мақсадларга, яъни иш ўринларини сақлаш, энергетик мустақилликни кучайтириш ва стратегик рақобатда АҚШ позицияларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бироқ у халқаро имижнинг пасайиши, инсон ҳуқуқлари муаммоларининг кучайиши ва ташқи сиёсатнинг муайян тор гуруҳ манфаатларига бўйсуниши каби салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди.

Шу сабабли “Америка биринчи” стратегиясини бир томонлама баҳолаш мумкин эмас. У бир вақтнинг ўзида ҳам миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган ташқи сиёсий доктрина, ҳам эса АҚШ сиёсий тизимидаги кучли лобби гуруҳлари манфаатлари билан уйғунлашган механизм сифатида намоён бўлди. Демократик тизимда лоббизм табиий сиёсий институт ҳисобланса-да, унинг ҳаддан ташқари кучайиши давлат сиёсатида умуммиллий манфаатлар ўрнини тор корпоратив ёки этник манфаатлар эгаллашига олиб келиши мумкин. Шу сабабли “Америка биринчи” стратегиясининг келажакдаги самарадорлиги лоббизм устидан назоратни

[20] Sullivan, M. P. (2021, January 25). Cuba: U.S. policy overview (IF10045, Version 79). Congressional Research Service
[21] Dwight D. Eisenhower. (1961, January 17). Farewell address by President Dwight D. Eisenhower. Final TV Talk 1/17/61 (1), Box 38, Speech Series, Papers of Dwight D. Eisenhower as President, 1953–61, Eisenhower Library, National Archives and Records Administration https://www.archives.gov/milestone-documents/president-dwight-d-eisenhowers-farewell-address
[22] U.S. Department of Defense. (2022, October 20). DOD releases report on defense spending by state in fiscal year 2021 https://www.war.gov/News/Releases/Release/Article/3194361/dod-releases-report-on-defense-spending-by-state-in-fiscal-year-2021/#20221021
[23] MLToday. (2021, April 16). Capitalizing on conflict: How defense contractors and foreign nations lobby for arms sales https://mltoday.com/capitalizing-on-conflict-how-defense-contractors-and-foreign-nations-lobby-for-arms-sales/
[24] Qureshi, Z., & Bröker, J. C. (2026, May 11). ‘America First’ or rules-based global economic governance: A false dichotomy https://www.brookings.edu/articles/america-first-or-rules-based-global-economic-governance-a-false-dichotomy/

кучайтириш, сиёсий шаффофликни ошириш ва ташқи сиёсатни кенг миллий манфаатлар асосида шакллантиришга боғлиқ бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. ANCA: White House-Backed Deal Rewards Azerbaijan's Genocide, Undermines Armenia's Sovereignty. (2025, August 7). Retrieved from https://anca.org/press-release/anca-white-house-backed-deal-rewards-azerbaijans-genocide-undermines-armenias-sovereignty/
2. ARMIN ROSEN. (2019). How Influential Is AIPAC? Less Than Beer Sellers, Public Accountants, and Toyota. Retrieved from https://www.tabletmag.com/sections/news/articles/how-influential-is-aipac
3. Bacevich, A. J. (2017). Saving "America First": What Responsible Nationalism Looks Like. Foreign Affairs, 96(5), 57–67.
4. Client Profile: American Israel Public Affairs. Retrieved from https://www.opensecrets.org/federal-lobbying/clients/summary?cycle=2021&id=D000046963
5. Eisenhower, D. D. (1961, January 17). Farewell address by President Dwight D. Eisenhower. Final TV Talk 1/17/61 (1), Box 38, Speech Series, Papers of Dwight D. Eisenhower as President, 1953–61, Eisenhower Library, National Archives and Records Administration. Retrieved from https://www.archives.gov/milestone-documents/president-dwight-d-eisenhowers-farewell-address
6. Ettinger, A. (2018). Trump's National Security Strategy: "America First" Meets the Establishment. International Journal, 73(3), 474–483.
7. Geranmayeh, E. (2020). Reviving the Revolutionaries: How Trump's Maximum Pressure Is Shifting Iran's Domestic Politics. European Council on Foreign Relations.
8. Gillam, R. (1975). C. Wright Mills and the Politics of Truth: The Power Elite Revisited. American Quarterly, 27(4), 461–479.
9. Greg Myre. (2017). 'America First': From Charles Lindbergh to President Trump. Retrieved from https://www.npr.org/sections/parallels/2017/02/06/513240634/america-first-from-charles-lindbergh-to-president-trump
10. Levin, B. (2018, October 15). Trump's Not Gonna Let a Little Murder Get in the Way of His $110 Billion Arms Deal. Vanity Fair. Retrieved from https://www.vanityfair.com/news/2018/10/trumps-not-gonna-let-a-little-murder-get-in-the-way-of-his-dollar110-billion-arms-deal?srsltid=AfmBOor7hV-QXstCZ_MOeFL6U4r6PaFQPPBuCB2Te3FP_leX2w6-Ad98
11. Lobbying Disclosure Act of 1995. Retrieved from https://lobbyingdisclosure.house.gov/lda.html
12. McFarland, A. S. (1987). Interest Groups and Theories of Power in America. British Journal of Political Science, 17(2), 129–147.
13. Menendez, B. (2020, October 21). The Cost of Trump's Foreign Policy: Damage and Consequences for U.S. and Global Security. United States Senate Committee on Foreign Relations.
14. Middle East Institute. (2025). Abraham Accords: Backgrounder. Middle East Institute.
15. MLToday. (2021, April 16). Capitalizing on Conflict: How Defense Contractors and Foreign Nations Lobby for Arms Sales. Retrieved from https://mltoday.com/capitalizing-on-conflict-how-defense-contractors-and-foreign-nations-lobby-for-arms-sales/
16. Parent, J. M., & Rosato, S. (2015). Balancing in Neorealism. International Security, 40(2), 51–86.
17. President Donald J. Trump Keeps His Promise to Open U.S. Embassy in Jerusalem, Israel. Retrieved from https://trumpwhitehouse.archives.gov/briefings-statements/president-donald-j-trump-keeps-promise-open-u-s-embassy-jerusalem-israel/
18. Qureshi, Z., & Bröker, J. C. (2026, May 11). 'America First' or Rules-Based Global Economic Governance: A False Dichotomy. Retrieved from https://www.brookings.edu/articles/america-first-or-rules-based-global-economic-governance-a-false-dichotomy/
19. Robert Maguire. (2016). $1.4 Billion and Counting in Spending by Super PACs, Dark Money Groups. Retrieved from https://www.opensecrets.org/news/2016/11/1-4-billion-and-counting-in-spending-by-super-pacs-dark-money-groups/
20. Sullivan, M. P. (2021, January 25). Cuba: U.S. Policy Overview (IF10045, Version 79). Congressional Research Service.

21. Taliaferro, J. W. (2000). Security Seeking under Anarchy: Defensive Realism Revisited. International Security, 25(3), 128–161.
22. Tonelson, A. (2018). America First at Home and Abroad. The National Interest, 156, 22–35.
23. U.S. Department of Defense. (2022, October 20). DOD Releases Report on Defense Spending by State in Fiscal Year 2021. Retrieved from https://www.war.gov/News/Releases/Release/Article/3194361/dod-releases-report-on-defense-spending-by-state-in-fiscal-year-2021/#20221021
24. Zeller, B. (1948). American Government and Politics: The Federal Regulation of Lobbying Act. The American Political Science Review, 42(2), 239–271.